

# МАВЗУ: Кар болалар мактабида ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари.

## Режа:

1. Кар болалар мактабида ўқув фаолиятига қўйиладиган талаблар.
2. Кар болалар мактабидаги дарс ва унинг вазифалари.
3. Кар болалар мактабида дарсга қўйиладиган педагогик талаблар.
4. Дарсларда нутқни турли шаклларида фойдаланиш.
5. Дарс турлари ва уларнинг тузилиши.

## Кар болалар мактабидаги дарс ва унинг вазифалари.

- Дарс ўқув жараёнининг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Бу ўқув жараёнининг шундай бирлигики, унда таълимнинг тузилиши, тамойил ва методлари мужассамлашган. Дарс малакаси кар ўқувчилари ўқитиш мақсади билан белгиланади.

## Дарсинг таълимий вазифалари



- Мактаб дастури бўйича ўқувчиларни назарий билим ва амалий маҳоратга ўргатишни ўз ичига олади. Педагогикнинг ижодий фаолияти аниқ дарс учун у ёки бу билим ва маҳорат шаклини аниқлашда текширилади.

## ***Дарсинг тарбиявий мақсади***

---

- ўқувчиларда шахс сифатларини тарбиялаш, қизиқишларини ривожлантиришни, лаёқат, мустақиллик ва ижодни намойиш этилишни кўриб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўқувчилар тарбияси учун керак бўлган бой имкониятлар ўқув фанларининг ўзида мужассамлаштирамоғи лозим.

# Коррекцион – ривожлантирувчи вазифалар

- Эшитиш нуқсонини бартараф қилишга йўналтирилган ижтимоий ишни ўтказилишини тақозо этади. Ўқувчиларнинг нутқини ривожлантиришга ақлий фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган бўлади. Шунингдек, эшитиш қобилиятини шаклланишида, лабдан ўқишни ўрганишда катта аҳамият касб этади. Коррекцион-ривожлантирувчи вазифалар ўқитувчи томонидан қар ўқувчиларнинг доимий билим олиш асосларида амалга оширилади. Таълимий, тарбиявий, ва коррекцион ривожлантирувчи вазифалар узвий боғланган ҳолда олиб борилади.

# ***Кар болалар мактабида дарсга қўйиладиган педагогик талаблар.***

- Кар болалар мактабидаги дарс таълимининг умумдидактик ва хусусий тамойиллари билан белгиланган педагогик талабга жавоб бериши керак.
- Дарсларда нутқни турли шаклларида фойдаланиб: оғзаки, ёзма ва дактил.
- Нутқнинг турини дарснинг мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг ёши, эшитиш даражаси ва нутқий ривожланишига қараб аниқланади.

# ***Кар болалар мактабида дарсга қўйиладиган психологик талаблар.***

- Бунда ўқувчиларнинг қабул қилиш, диққатини, хотираси ва ҳис-туйғуларини ҳисобга олиш лозим.

# ***Дасга қўйиладиган гигиеник талаблар.***

- синф хонасининг озодалигини кузатиш;
- синф ҳарорат тартибини сақланганлиги;
- боланинг чарчоғини йўқотувчи – фаолиятнинг турли шаклларини қўллаш;
- очиқ ҳавода жисмоний дақиқани ўтказиш;
- дарслар орасидаги таллафузни қатъий назорат қилиш.



# Дарсга қўйиладиган ташкилий талаблар.


- - Дарс ўтиладиган синф хоналари ва кабинетларининг мавжудлиги;
- - хоналарни мебел, овоз кучайтирувчи аппаратура ва техник жиҳозлар билан таъминланганлиги;
- - кўргазмали ва дидактик материаллар билан таъминланиши.

# Дарс турлари ва тузилиши.

- Дарснинг бошланишини ташкил этиш ўз олдига ўқувчиларни ишга руҳан тайёрлашни, хонада иш муҳитини ташкил этишни мақсад қилиб қўяди.
- Ўқувчиларнинг билим ва кўникмасини текшириш улар билимининг фаоллик даражасини текширишда катта аҳамият касб етади.
- Янги материални мустаҳкамлаши ўқитувчи ва ўқувчининг янги билим ва малакаларини ўзлаштиришдаги биргаликдаги ҳамкорлигига таянади.
- Дарсни якуни ўзининг олдига ўқувчиларнинг дарсдаги ўқув ишларини, уй вазифасининг кўлами ва характерини таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Янги билим, кўникма ва малакалар билан бойиб боровчи дарснинг асосий қисми янги билим ва кўникмаларни эгаллашдан иборат. Ушбу дарснинг тузилиши:

- дарс бошланишини ташкил қилиш;
- янги материални киритиш;
- уларга ҳамроҳ бўлган мустақамлаш жараёни;
- уйга вазифа;
- дарснинг якуни.



Билимларни умумлаштириш ва бир тизимга келтириш дарси (аввал такрорлаш деб аталган) аввалги билимларни тизимга солган ҳолда қўлланилиши масаласини ҳал қилади.

---

- **Ушбу турдаги дарснинг структураси:**
- 1. дарсни ташкил қилиш;
- 2. алоҳида далиллар, маълумотлар, воқеаларни қайта тиклаш;
- 3. билим ва тушунчаларнинг бутун тизимини таҳлил қилиш ва такрорлаш;
- 4. дарснинг якуни.
- Бу дарсда асосий бошқарувчи метод бўлиб фаолиятнинг турли кўринишлари (жадваллар, графика, схема, лабаратор машғулотларни бажариш)ни ўз ичига олувчи умумлаштирувчи суҳбат ҳисобланади.

Билим ва малакаларни текшириш дарси ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш даражасини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Дарснинг бундай кўриниши қар болалар мактабларида барча ўқув фанлари асосида олиб борилиши мумкин.

- **Ушбу дарс структураси:**

- 1. дарсни ташкил этиш;
- 2. топшириқни тушунтириш;
- 3. топшириқни оғзаки ва ёзма, фронтал ёки яқка бажарилиши;
- 4. бажарилган топшириқни текшириш ва баҳолаш;
- 5. дарс якуни.
- Асосий методлар – мустақил машқлар ёки мустақил амалий фаолиятнинг бошқа кўринишлари.

**Кар болалар таълимида битта эмас, балки бир нечта дидактик масалани ҳал қилувчи аралаш дарс бирмунча самаралидир.**

- **Ушбу дарс структураси:**
- 1. дарсни ташкил этиш;
- 2. уй вазифасини текшириш ва ўқувчиларни ишчи материални ўзлаштиришга тайёрлаш;
- 3. аввал ўзлаштирилганларни такрорлаш;
- 4. ишчи материални киритиш;
- 5. янги мавзунини мустаҳкамлаш;
- 6. дарснинг якуни.

## Дарсларда ўқув ишининг шакллари.

- Дарсда ўқитувчиларнинг ўқув иши турли шаклларда олиб борилади: анъанавий тарзда фронтал, гуруҳли ва яккага бўлинади.

# Ўқитувчини дарсга тайёргарлиги.

- Ўқитувчи ўз фанини тўлиқ билиши зарур; самарали натижа берувчи ўқитиш метод ва методлардан фойдаланиши;
- илмий методика адабиётларидан фойдаланиши.
- Ўқитувчи ҳар ўқув чорагига календар режа тузиб чиқади. Режа таркибига мавзу, берилган мавзу бўйича дарсларнинг дидактик мақсади, асосий тушунчалар, методлари, жиҳозланиши, мустақил ва ёзма иш намуналари, уларни ўтказилиш муддати, мавзуга оид экскурсия кабилар киритилган бўлади.



# Дарсинг таҳлили.

- дарс мобайнида ўқитувчи томонидан нутқнинг турли шакл ва кўринишларидан ўринли фойдаланиш маҳоратига;
- ўқитувчининг нутқий ибораларини, савол ва тушунтириш жараёнларини ўқувчилар учун тушунарлилиги;
- ўқувчилар томонидан нутқни идрок этиш методлари (эшитув, эшитув-кўрув, тактил);
- ўқитувчининг ўқувчилар нутқига қўйиладиган талабларига тўлиқ жавоблар, аниқ ва ноаниқ таллафуз, ёзма ва оғзаки нутқни баён қилиш;
- дарсда луғат ишларнинг кўринишлари, доскадаги луғат атамалари, ёзма ва оғзаки нутқни аниқлаб олиш учун топшириқлар.

## Дарснинг алоҳида бўлаklarини таҳлил қилиш давомида умумдидактик таҳлил ўтказиш мумкин. Унинг тахминий кўриниши қуйидагича:

- 1. Дарс мавзуси.
- 2. Дарснинг вазифалари (таълимий, тарбиявий, коррекцион ривожлантирувчи);
- 3. Дарснинг тили, унинг тузилиши, дарс компонентларининг муносабати;
- 4. Дарсда таълимнинг кўргазмали дидактик материалларидан, техник воситаларидан фойдаланиш;
- 5. Ўқитувчининг дарсдаги фаолияти, фойдаланиладиган методлар хусусиятлари;
- 6. Ўқувчиларнинг дарсдаги фаолияти (фаолият характери мутақиллик даражаси);
- 7. Ўқитувчи ва ўқувчининг нутқи дарсда фойдаланиладиган нутқнинг шакл ва турлари. Ўқувчилар нутқи устида иш олиб бориш (мулоқотни ташкил этиш);
- 8. Дарсда бир-бирини тушуниш ва ҳамкорлик.

# *Таълимни ташкил этишининг кўп қиррали шакллари.*

- *Уй вазифасини бажариш*- дарсда қўлга киритилган билимларни мустаҳкамлайди ва ўқувчиларда мустақил меҳнат асосларини ривожлантиради.
- Факултатив машғулотлар – бирор ўқув фани бўйича билимларни: чуқур ўзлаштириш мақсадида олиб бориладиган машғулотнинг асосий шакли.
- Якка машғулотлар эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва талаффузни шакллантириш бўйича 20 дақиқа давомида ўтказилади. Бунда 10 дақиқа эшитиш идрокини ривожлантиришга ва 10 дақиқа тўғри таллафузни шакллантиришга ажратилади.
- *Муסיқали-ритмик* машғулотлар мақсади болаларнинг эшитиш қобилияти ва ҳаракат фаоллигини ривожлантиришдан иборат.
- Экскурсиялар -билиш фаолиятини ривожлантириш ҳамда тарбиявий жараённи жадаллаштириш борасида катта қийматга эга.